ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1075-1082

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИНОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎРНИ

Каромат Садуллаевна Сабирова
Ургенч давлат университети ўқитувчиси
sv997710@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу маколада психология фанларини ўқитишда иновацион технологияларни ўрни ва уинг аҳамияти уни шаклланишига таъсир этувчи омиллар, ижтимоий-психологик механизмлари назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, назарий маълумотлар билан биргаликда мақолада муаллифнинг шачсий нуқтаи назарлари ҳам келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: тафаккур, миллий тикланиш, педагогик технология, муаммоли ўқитиш, ҳамкорлик технологиялари, модулли технологиялар, танқидий фикрлаш.

THE ROLE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE TEACHING OF PSYCHOLOGY

ABSTRACT

This article theoretically analyzes the role of innovative technologies in the teaching of psychology and its importance, the factors influencing its formation, socio-psychological mechanisms. Along with theoretical information, the article also mentions the author's personal views.

Keywords: thinking, national revival, pedagogical technology, problem-based learning, collaborative technologies, modular technologies, critical thinking.

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, шахс камолоти учун яратилаётган шарт-шароитлар унинг ўзлигини англаб бориши ва ўз устида мустақил ишлаган тарзда халқ равнақи ва Ватан тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилиши учун иқтидори ақли ва шуурини сафарбар этишга ундайди.

XXI аср буюк ўзгаришлар даври бўлишига шубҳа йўқ. Бу ўзгаришлар энг аввало инсон тафаккурида унинг фикрлаш тарзида рўй бериши муқаррар. Бу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1075-1082

эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “ Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “ вируси” тарқалишининг олдини олишдир”[1].

Биз яшаб турган XXI асрни ҳали равишда мўъжизалар даври деймиз. Чиндан ҳам бугунги кунда ҳал бовар қилмайдиган улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Ёшларни ўз билимини мустақил оширишга илмий ва сиёсий ахборотларнинг кучайиб бораётган оқимига ёндашишга ўргатишни ҳаётининг ўзи илгари сурмоқда. Шу куннинг муҳим вазифаси ёшларнинг ақлий фаолиятини тафаккурини ўстиришга, мустақил ишлаш қобилиятини такомиллаштиришга қаратилган кўникма ва малакалар ҳосил қилишни тақазо этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Олдимизда турган мақсадларимизга эришиш янги демократик жамиятни қуриш, қандай интеллектуал кучларга эгалигимизга ёшларимиз қандай маданий ва касбий савияга эришганлигига, қандай ғояларга эътиқод қилишига, маънавий жиҳатдан қанчалик бойишига боғлиқ. Шу боис, аҳолининг билим олиш имкониятини кенгайтириш, миллий тикланиш ғоясини амалга оширишга қодир янги авлодни тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Демак, жамиятимизнинг тамал тошини қўювчи баркамол авлодни тарбиялашнинг асосий мезони ёшларнинг мустақил фикрлай олиши, ўрганган билим ва тажрибани амалиётга қўллай билишидир.

Хозирги кунда олий таълим муасасаларида таълим ва тарбия, психологик асосларини ўрганиш ва тахлил этишва мулоқот одамлар амалга оширадиган фаолиятлар ичида етакчи ўринни эгаллаб, у инсондаги энг муҳим эҳтиёжни — жамиятда яшаш ва ўзини шахс деб ҳисоблаш билан боғлиқ эҳтиёжини қондиради. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир инсон учун аҳамияти каттадир.

XXI асрда Ўзбекистон таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш устивор вазифалардан биридир. Бу эса, ўз навбатида педагог олимларимиз зиммасига тегишли ўқув фанлари бўйича ўқув адабиётларини ҳозирги давр талаби ва илм-фаннинг сўнгги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда янгилаб бориш, таълим жараёнига инновация ва таълим технологияларини жорий этишни тақозо этмоқда.

Ҳар қандай педагогик технологиянинг ўқув-тарбия жараёнида қўлланилиши шахсий характердан келиб чиққан ҳолда, талабани ким

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1075-1082

ўқитаётганлиги ва ўқитувчи кимни ўқитаётганига боғлиқ. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари - интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланишига оид билимлар, тажриба талабаларни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади. Бошқача сўз билан айтганда, ўқитишнинг интерфаол услубиётлари – билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман талабаларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади

Бугунги кунда олий таълимнинг барча соха ва йўналишлари ўқув жараёнларида қуйидаги таълим технологиялари қўлланилиши кузатилмоқда. Самарали ўқитиш технологиялари:

* муаммоли ўқитиш;
* танқидий фикрлашиш ривожлантирувчи технологиялар;
* ривожлантирувчи таълим технологиялар;
* модулли технологиялар;
* ҳамкорлик технологиялари;
* ўқитишнинг табақалаштирилган ва индивидуал технологияси;

Бу ўринда инсон шахс феъл-атвори, ҳарактери ва руҳияти билан боғлиқ қонуниятларни ўрганувчи “ Психология ” фанининг ўрни ва роли бениҳоят каттадир. Чунки шахсгина ўз қобилияти, иқтидори, лаёқати, тафаккури, диққати, эътиқоди, ҳарактери, темпераменти, муомала ва мулоқоти хусусиятларини билиб, уни тўғри йўналтира олса, ўзи ва ўзгалар руҳиятига бефарқ бўлмасликка, ўз лаёқатини ўстиришнинг элементар воситаларидан бохабар бўлишга ёрдам беради. Бунинг учун ҳар бир шахс “Психология ” фанлари асосларидан хабардор бўлиши керак, албатта. Шундагина ўз-ўзини ва ўзгаларни англаши, турли вазиятлар ва гуруҳларда муомала қилиши, эркин ва мустақил фикрлаш қонуниятларини билиши орқали педагогик фаолиятда ва бошқарувда катта муваффақиятларга эришиши мумкин.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1075-1082

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча рухий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вакт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қиска вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш асосида маълум фаолият кўникма ва малакаларни шакллантириш, фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган назарий ва амалий билимлар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни, таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллашга доир катга тажриба тўпланган бўлиб, бу тажриба асосини интерфаол методлар ташкил этмокда.

Бу каби методлар ўз моҳиятига кўра таълим олувчиларда ўқув-билиш фаоллигини ошириш; уларни кичик гурух ва жамоада ишлаш, ўрганилаётган мавзу, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини химоя қилиш, далиллар билан асослаш, тенгдошларини тинглай олиш, ғояларни янада бойитиш, билдирилган мавжуд мулохазалар орасидан энг мақбул ечимни танлаб олишга рағбатлантириш имкониятига эгалиги билан алохида аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия жараёнида педагоглар томонидан интерфаол методларнинг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим олувчида мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантиқий фикрлаш, мавжуд ҳояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантиқий боғликликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият яратади.

✓ Муаммоли ўқитиш – мақсади - фаол шахсни тарбиялаш. Вазифаси - фаол билиш жараёнига ундаш, ижодий фикрни ривожлантириш, танқид ва таҳлил қилиш, муаммони ечиш усулини излашга ўргатиш, тафаккурида илмий-тадқиқот услубини шакллантириш.

- Муаммоли вазиятни яратиш методикаси:
  - Талабалар муаммонинг ечимини ўзлари топишга уринадилар;
  - Талабалар битта саволга ҳар хил фикрлар билдирадилар;
  - Фикрлар таққосланади, умумлашади ва хулоса чиқарилади.
- Муаммоли ўқитишнинг шакллари:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1075-1082

- ❖ Маъруза ёки семинарларда ўқув материалини муаммоли баён этиш;
- ❖ Битирув ишларини бажаришда мустақил тадқиқот фаолияти.

✓ “Кластер” услуби – Фикрларнинг тармоқланиши - педагогик стратегия бўлиб, у талабаларнинг бирон-бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, уларни мавзуга таалуқли тушунча ёки аниқ фикрларни эркин ва очиқ узвий боғланган кетма-кетликда ўргатади.

➢ Фикрларни тармоқлаш қуйидагича ташкил этилади:

- ❖ Ҳаёлга келган фикр бир сўз билан ифода этилиб, кетма-кет ёзилади;
- ❖ Фикрлар тугагунча, ёзишда давом этилади ва фикрлар тугаса, у холда янги фикр келгунга қадар бирон расм чизиб турилади;
- ❖ Дарсда имкон борича фикрларнинг ва ўзаро боғлиқликнинг кетма-кетлигини кўпайтиришга ҳаракат қилиниши лозим;

✓ Ақлий ҳужум. – Бевосита жамоа бўлиб, “фикрлар ҳужуми”ни олиб бориш. Бу услубдан мақсад – мумкин қадар катта миқдордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айни бир хил фикрлашдан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгишдир.

✓ “Зиг–заг” – усули 1980-1990 йиллардан бошлаб пайдо бўлган. Бу усулнинг бошқа гуруҳлардан фарқи шундаки, иштирокчилар майда гуруҳларга ажратиладилар ва талабалар рақамланадилар, спикер (бошлиқ сайланади). Сўнгра бир хил рақамлар бир-бирини “топадилар”. Топшириқ берилади ва ўзлаштиргач, тарқалишадилар. Ҳар бир аъзо ўзи ўзлаштирган материални эски шерикларига айтиб беради. Савол-жавобда эса гуруҳ баҳоланади. Ҳар бир рақамланганлар янги ва ҳар хил топшириқлар олганини ҳисобга олсак, ҳар бир талаба ўз гуруҳи манфаати учун ҳам берилган топшириқни билиши керак ва билишга мажбур. Чунки, у ўз гуруҳига қайтганда, ўрганган мавзу бўйича савол-жавобда гуруҳи номидан қатнашиши керак.

✓ БхБхБ – услубида ўқитувчи гуруҳ 36 та қатнашчисини қисқа вақт мобайнида биронта масалани муҳокама қилишга ўргатиш ва улар кўпчилигининг фикрларини билиб олиш имкониятига эга бўлади. 6-та гуруҳ иштирокчилари ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммони 6 дақиқа мобайнида муҳокама қиладилар. Шундан кейин ўқитувчи 6та янги гуруҳни шундай тузадики, унда олдинги мунозара гуруҳида қатнашганлардан бирontаси албатта бўлади. Янги гуруҳ қатнашчилари ўз гуруҳларининг иш натижаларини муҳокама қиладилар. БхБхБ – гуруҳнинг барча аъзоларини фаоллаштирувчи услубдир[2].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1075-1082

✓ “Кунгабоқар” – Талабалар 4-5 кишидан иборат гуруҳларга бўлинади. Ўқитувчи фаннинг мавзусидан келиб чиқиб, ўртага битта муаммони ташлайди. Ҳар бир гуруҳ кунгабоқар ясаб, унинг марказига доира жойлаштириб, барглар ёпиштиради. Мавзуга қараб, доирага ҳар бир гуруҳга ёки умумий битта муаммо ёзилиб, доскага ёпиштирилади. Ажратилган вақт ичида гуруҳлар биргаликда фикрларини баргга ёзиб, уни ўша гуруҳ муаммоси ёзилган гулга жойлаштириб қўядилар. Бу услубдан ўтилган мавзуни тушунтириш, уни мустаҳкамлаш ва такрорлаш ҳамда талабалар эгаллаган билимларни аниқлашда фойдаланиш мумкин.

✓ “Бумеранг” технологияси – Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материалини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. Асосий тушунчалар қуйидагилар:

❖ Очиқ саволлар – бу саволлар муомала, сўзлашувни давом эттиришга имкон беради. Уларга қисқа, бир хил жавоб бериш мумкин эмас.

❖ Ёпиқ саволлар – бу саволлар олдиндан “ҳа” ёки “йўқ” типидаги тўғри, очиқ жавобларни беришни кўзда тутади.

❖ Кўндаланг сўроқ – бир-бирига гуруҳлаб берилувчи қисқа саволлар қатори бўлиб, бу ўзига хос ахборотлар излаш ҳамда далилларни, оппонентларни позициясини аниқлаш ва муайян қарорлар қабул қилиш учун ажойиб имкониятдир[3].

✓ ФСМУ технологияси. – Ф – фикрингизни баён этинг; С – фикрингизнинг баёнига бирон сабаб кўрсатинг; М – кўрсатган сабабаингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг; У – фикрингизни умумлаштиринг. Ушбу технология талабаларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради. Мазкур технология ўқув режаси асосида бирон бир бўлим ўрганиб бўлингач, қўлланилиши мумкин, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишига ва бахслашиш маданиятига ўргатади.

✓ Инновацион технологиялар талабаларнинг фаол ҳаётий муносабатларини шакллантиришга қаратилган. Уларга ўқув жараёнидаги янги шаклдаги интреактив усуллар киради. Талабалар дарс жараёнида мавзуни ўзлаштириш учун икки ёки уч гурухга бўлиниб доира шаклида ўтирадилар.

✓ Метаплан методи: рангли карточкалар, магнит, игначалар, ва маркерлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1075-1082

✓ Берилган рангли қағозларга, муаммоларнирангини танлаган холда рангли қағозларга ёзиб чиқади ва муҳимлик даражаси бўйича ажратиб ҳар бир гуруҳ алоҳида-алоҳида муаммолар ечимини топади..Масалан шахслараро муносабатларни аниқлаш,муносабатлар қандай сузлар орқали билдирилади.Рангли қоғозларга ёзилиб игначалар ёрдамида доскага махкамлаб тақдимот ўтказади.Шу урни ўзида мулоқот вужудга келади.

✓ Талабалар ҳар ҳил рангли маркерлар билан дарсдан нима кутишларини махсус тайёрланган 4 та жадвалли постерларга ёзиб боришди.

Дарё ва кемалар тасвирланган плакатга олмачали стикерлар билан ўз кутишларини намоён этишди.

Муносабат доскаси: Машғулот бошланмасдан олдин доскага нечта гурух бўлса шунча ватман қоғоз ёпиштирилади[4].

Кўрсатма:Ватман қоғозда 1-гурух ўқитувчингиз билан муносабатда пайдо булган нафратингизни қайд қилинг.2-гурух ўқитувчингиз билан муносабатда пайдо булган ҳурматни қайд қилинг. 3 -гурух ўқитувчингиз билан муносабатда пайдо булган бефарқликни қайд қилинг.Белгиланган ишни гурухлар мухокама қилиб айд қилганларидан кейин уни тақдимотда муомала мулоқотни ва шахслараро муносабатни ёритиб берадилар.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Психологик фанларни ўзлаштириш кўрсаткичлари аввалги йилларга нисбатан сезиларли даражада кўтарилди. Таълим жараёнида интерфаол методларни кенг қўллаш қуйидаги натижаларни беради:

– ўқитишнинг илмийлиги ошади. Билим беришда илмийликка эришиш учун аввало ўқитиш жараёнида фан-техниканинг сўнгги ютуқ ва кашфиётларидан фойдаланиш, ўқув фанлари илм-фан асосида яратилиши, талабаларни илмий-тадқиқот усуллари билан таништириб бориши лозим. Бу талабаларда турли ижтимоий,иқтисодий,сиёсий ҳодисаларга объектив тарзда ёндашиш кўникмасини шакллантиради. Талаба илмий билимларни ўзлаштирар экан, унинг фикрлаш қобилияти ўсиб, ривожланиб боради;

– талабаларда ижодкорликни шакллантириш. Ижодкорлик деганда, биз қандайдир бир буюм ёки бадиий асарнинг яратилиши эмас, балки ҳар бир вазифага ўз нуқтаи назари бўйича ёндашиши, бир муаммо устида мустақил фикр юрита олиши, ўқиш жараёнида орттирган барча билимларини ҳаётда кечаётган ҳодисаларга боғлай олиши ва уларни таҳлил қила олиши,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1075-1082

ўрганилаётган соҳа бўйича ўзининг янги қарашларини ифодалашини тушунишимиз лозим. Талабаларда, айниқса, ўз фикрларини ёзма тарзда ифодалай олиш қобилиятини ривожлантиришга аҳамият қаратиши зарур. Чунки, шу орқали талабалар ўз билимларини тўлароқ, мазмунлироқ ифодалайдилар;

– таълим жараёнида талабаларда мустақилликни тарбиялаш. Талабалар дарсда ўтилган мавзу билан чекланиб қолмасликлари зарур. Улар мавзу юзасидан қўшимча маълумотлар излашлари, уларни ўзлаштиришлари, ўтилган мавзу амалиётда қандай натижа беришини ҳам синаб кўришлари лозим.

Ҳозирги шароитда талабалар ҳар томонлама атрофдаги вазиятдан хабардор бўлишлари, маълумотларни тез қайта ишлай олишлари лозим. Булар талабаларнинг билимлари кенг қамровли бўлиши, уларни чуқур англашларига ёрдам беради, шунингдек, талаба мустақил фикр юритиш кўникмасига эга бўлади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 – сессиясидаги нутқидан . 2017 йил 20 сентябр
2. Букатов В.М. Педагогические таинства дидиктических игр / 2-е изд., испр. и доп. - Москва: Центр инноваций и развития, 2003. — 152 с.
3. Зимняя И.А. Педагогическая психология. – М.: Логос, 2002.- 384 с.
4. Панина Т. С., Вавилова Л.Н. Современные способы активизации обучения / Учебное пособие. Под ред. Т.С.Паниной. - 4-е изд., стер. - Москва: Издательский центр “Академия”, 2008. - 176 с.